

**«Тасдиқлайман»
«Ўзтрансгаз» Акциядорлик компанияси
Бошқарув раиси**



**“Табиий газ учун онлайн тўловни амалга ошириш”
РЕГЛАМЕНТИ**

1. Хизматлар тавсифи (паспорти)

1.1 . Хизматларни номланиши

Табиий газ учун онлайн тўловни амалга ошириш.

1.2. Хизмат натижаси

“Ўзтрансгаз” АК нинг расмий веб-сайтида табиий газ истеъмолчининг ҳисоб рақамига тўлов ўтказилганлиги (ёки рад этилганлиги) ҳақида аниқ маълумот берилади.

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

«Ўзтрансгаз» Акциядорлик компанияси.

1.4. Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янгда мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 май, ПФ-5059-сон;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори: “Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”_ 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2907-сон.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Хизматдан фойдаланишдан манфаатдор бўлган жисмоний шахслар – табиий газ истеъмолчилари.

1.6. Ижро этиш муддати

Хизмат онлайн режимида кўрсатилади.

1.7. Онлайн тўлов турлари

Онлайн тўлов тизимлари:

MBANK тизими (мобил банк хизмати),

UPAY тизими (универсал электрон тўлов хизмати).

2. Хизмат кўрсатиш таомили

2.1. Керакли ҳужжатлар

«Ўзтрансгаз» Акциядорлик компаниясининг веб-сайтида (www.uztransgaz.uz) да тўлов онлайн режимида қабул қилинади.

Хизматдан фойдаланувчининг керакли маълумотлари (сайтда тўлдириш лозим):

1. Жой номи.
2. Ҳисоб рақами.
3. Тўланадиган сумма.
4. Телефон рақами.
5. Карта рақами.
6. Амал қилиш муддати (карта ҳақида маълумот).

2.2. Хизмат учун тўлов.

Хизмат бепул кўрсатилади.

2.3. Хизматни кўрсатиш (тўловни амалга ошириш) босқичлари

1 босқич. Керакли маълумотлар (сайтда кўрсатилган) «Ўзтрансгаз» АКнинг расмий веб-сайтига киритилади.

2 босқич. Маълумотлар тўлов тизимлари (сайтда кўрсатилган) орқали текширилади.

3 босқич. Картадан тўлов суммаси ечиб олинади.

4 босқич. Тўлов ҳақидаги маълумот кўрсатилади.

3. Назорат қилиш

3.1. Тўлов муддати

Тўлов амалга оширилган вақт давомида.

3.2. Қониқарсиз хизматлар бўйича шикоят

Ҳар бир истеъмолчи ушбу хизматдан қониқмаган ҳолда Қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.